ҲАММА БИЛГАН, АММО ҲЕЧ КИМ ГАПИРМАГАН ҲАҚИҚАТ
(Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асари ҳақида)

Лола Аҳророва
филология фанлари номзоди
Жиззах Давлат педагогика институти Сайилжойи академик лицей маънавий - маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада Тоғай Мурод яратган образлари жуда таъсирчан, эсда қоларли, ёрқин эканини, ёзувчининг ижод қилиш санъатини пухта эгаллагани ҳамда бадиий образларнинг ички ва ташқи олам нутқи асосида ҳар бир образини ўзига хос тил, халқ оғзаки ижодига хос руҳият ва умуминсоний туйғулар билан ёритиши хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: ёзувчи, асар, образ, ички нутқ, ташқи нутқ, босмачилик, психологизм, психологик таҳлил, трудоголизм.

THE TRUTH THAT EVERYONE KNOWS BUT NO ONE TELLS
(About “Otamdan qolgan dalalar” (Fields Left by My Father) by Togay Murad)

Lola Ahrorova
Candidate of Philological Sciences
Deputy Director for Spiritual and Enlightenment Affairs of Sayiljoy Academic Lyceum of Jizzakh State Pedagogical Institute

ABSTRACT

In this scientific article, the analysis is given that Togay Murad's images are very impressive, memorable, bright, the author has mastered the art of creation, and each image of artistic images on the basis of speech of the inner and outer world is illuminated with its own language, folklore and universal feelings.

Keywords: writer, work, image, internal speech, external speech, printing, psychologism, psychological analysis, trudogolism.

КИРИШ

Тоғай Муроднинг ўзига хос шакл ва мазмунга эга “Отамдан қолган далалар” асари мустақиллик йилларида яратилган “пахта иши”, заҳматкаш пахтакорлар ҳаёти реал акс эттирилган энг сара романларидан бири ҳисобланади.

Роман “Мен фарғоначи Жамолиддин кетмон набираси бўламан” деган жумла билан бошланган. Асардаги воқеа–ҳодисалар Деҳқонқул тилидан ҳикоя қилинади. Бироқ ижодкор Деҳқонқул тимсолида фақат оддий қишлоқ аҳли турмуш тарзини тасвирлашни эмас, балки бу образ орқали умуммиллат муаммолари, фожеага олиб борган омилларни ҳаққоний тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани яққол сезилиб туради.

Асар сюжети, қаламга олинган воқеалар хронологик тартибга асослаб берилган. Умуман олганда, бундай ёндашув ўтган давр ҳаётини кенг эпик кўламда, қаҳрамон тақдирини даврий изчилликда, унинг феъл–атвори, характерини ривожланишда кўрсатиш учун ёзувчига қўл келган. Шу боис ҳам асарда жудда катта ҳаётий материаллар қамраб олинган. Деҳқонқулни I бобда бобоси, II бобда отаси, III бобда ёшлиги билан боғлиқ хотираларни ёдга олиши ретроспекция, яъни замонда ортга қайтиш усулидан фойланилиб баён этилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ижодкор “Отамдан қолган далалар” романида биргина деҳқоннинг эмас ўзбекнинг чекига тушган пахта етиштириш азоби билан боғлиқ ҳаётий ҳақиқатни акс эттирди. Асарнинг бош мавзуси ҳам шу: сабрни таги олтин, дея, ўша олтинни тополмаган миллат тақдири. Унинг ғояси ҳам бир томондан, миллий ва умуминсоний қадриятларга мувофиқлик бўлса, иккинчи томондан, халқ фожеаси моҳирона ва жуда таъсирли ифодаланган.

“Отамдан қолган далалар”да бобо, ота ва набира – бир эмас, уч авлод тақдири билан боғлиқ воқеалар асарда ўз аксни топган.

Муаллиф ўз асарига “Отамдан қолган далалар” деб сарлавҳа қўйгани романнинг асосий ғоясини аниқ ва ёрқин ифода этишга хизмат қилади. Китобхон ижарага олинган ерда пахта эккан Деҳқонқулнинг бобоси, отамерос далаларда ота касбни давом эттирган отаси, ҳамда деҳқон сифатида давлатда пахта етиштираётган заҳматкаш ўзбек пахтакори - асар қаҳрамони тақдири билан танишади, “дала кимники ўзи?”, деган саволга жавоб излайди.

Тоғай Мурод ижтимоий–тарихий шароитнинг инсон тақдири ва феъл - атворига таъсирини теран бадиий тадқиқ этганлиги боис, Деҳқонқул меҳнаткаш, виждонли, ўз соҳасини яхши биладиган аксар ўзбекларга хос содда, меҳмондўст. У “Октябрь революцияси” ва “Меҳнат Қизил байроқ” орденлари билан мукофотланган бригадир бўлса–да, сиз унинг ўрнида бўлишни хоҳламайсиз.

У ўзи яшаган давлат – диний билим бериш тақиқланган, коммунистик ақидалар аллақачон ғалаба қозонган тизим одами. Бизнинг назаримизда, Деҳқонқулдаги меҳнат қилишдан бошқа нарсани ўйламаслик, меҳнаткаш – энг яхши фазилатли инсон, дея онгига сингдирилган фуқаролик позицияси унинг

характеридаги камчиликларни келтириб чиқарди: у ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган, атрофидагилар билан иши йўқ, ҳатто ўз соғлиғи учун ҳам қайғурмайдиган омадсиз шахс. Унинг ички дунёси чуқур ёритилгани сабабли, сиёсату ғийбатдан йироқ, ёмон одатларга эга бўлмаган, ҳеч кимга зарари тегмайдиган, аммо бефарқлик (пофигизм) гирдобига ғарқ бўлган эркаклиги учун аёллар шундай турмуш ўртоғи бўлишни истамайди.

Асар Х бобдан иборат бўлиб, жами 273 та кичик ҳажмдаги қисмларга бўлинган. Ҳажми ҳам одатдаги романлардан ихчам – 195 бет.

Ижодкор аънанавий романчиликда ҳар бир бобга кичик-кичик сарлавҳалар қўйиш йўлини танламай. Ҳар бир бобни алоҳида саноқ сонлар билан белгилаганлиги асар шакли борасидаги ўзига хосликдан ташқари адабиёт ихлосмандлари учун сирлиликни келтириб чиқарган.

22 та майда қисмга ажратилган I боб Хон даврида тонг саҳарда Чўлпон юлдуз пойида сажда қилиб, қош қорайгунча ер чопган Деҳқонқулнинг бобоси, фарғоналик Жамолиддин кетмонни Чор Россияси босқини натижасида ҳаловати бузилиб, Деновга келиб қолиш сабаби билан боғлиқ воқелар – халқ қўзғолонига бош бўлган Мулла Намоз, Оқпошшо, Кайшовский 32 ёшида (1876-77 йиллар Қўқонни забд этган) генерал Скобелев, полковник Чайковский, Ўрусия Молия вазири Вишнегородский, миссионер Остроумов каби тарихий шахслар иштирокида ҳикоя қилинган.

II боб жасади бўғдойзорда қолган Деҳқонқулнинг отаси, қўлга олинган Ақраб қўрбошининг ўлими, узоқ йиллар мобайнида Совет киносининг энг ёвуз образи, Совет адабиётининг энг салбий мавзуси бўлиб қолган “босмачилик ҳаркати” иштирокчисининг аянчли тақдири билан тугайди.

МУҲОКАМА

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг “босмачилик” – миллий озодлик йўлидаги қуролли курашчилар ҳаракати бўлгани расман эътироф этилди. Шу сабабли ушбу бобда Туркистондаги революция хомийси Ленин, Туркистон фронтининг қўмондони, Бухорога ўт қўйдирган Фрунзе, Оқчурин, Успенский, Полторацкий, муракаб тақдир эгаси Чанишев, Колесов, Лениннинг котиби Рудзутак, Куйбишев, каби тарихий шахсларга ёзувчи тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ёндашади, китобхонни эса олдин биз билмаган, уларнинг очилмаган сирли дунёларига олиб киради. Ленин бошчилигидаги большевиклар ва уларнинг етакчиси Ф.И.Колесов миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун жонбозлик кўрсатаётгандек бўлсаларда, “Амалда ягона ва бўлинмас Россия” учун кураш олиб борганликлари бизга энди маълум бўлди.

Улар қисматини қаранг: минглаб инсонлар қисматини бошқа ўзанга буриб юборган, қўли тирсагигача Туркистон халқлари қони билан беланган “оқ генерал” Скобелевдан тортиб революционер большевикларнинг аксарияти 1937 йилги репрессияда отиб ташланган ёки ўз ажали билан эмас, турли сабабларга кўра ўша давр қурбони сифатида вафот этган. Жумладан, Чор Россияси чегараларини кенгайтириб, бир қанча унвонлар олган, ўз вақтида Фарғонага ҳарбий губернатор этиб тайинланган генерал Михаил Дмитриевич Скобелев юрак хуружидан вафот этади, уни номини абадийлаштириш учун қўйилган ҳайкал эса 1917 йилги Октябрь революциядан кейин олиб ташланади. Бироқ 2014 йилнинг 9 декабрида бу генералга Москва шаҳрида янги ҳайкал ўрнатилганига нима дейсиз?!

III боб пахта теримига жалб қилинган бешинчи синф ўқувчиси Деҳқонқулни илк бор оқ пахтанинг “қора меҳнати”да яъни пахта теримида иштирок этиши, дўсти Зиёдни ўлими билан якунига етади.

IV бобдан аллақачон раҳматлик бўлиб кетган мактаб директорининг қизи билан учрашувдан миришкор пахтакор, олти нафар фарзанд отаси Деҳқонқул ҳикояси давоми билан танишамиз. У ўзига тегишли яқин ўтмишини баён қилишда давом этади. Китобхон билан мулоқотга кирган адиб собиқ Шўролар даврида юз берган воқеаларни қаҳрамон тилидан сўзлайди.

Композицияни ихчамлаштириш учун муаллиф такрорларга йўл қўймайди, баъзи ҳодисаларни батафсил тасвирлашдан воз кечади. Шу сабабли IV бобдан VIII бобгача Деҳқонқулни пахкорлик фаолияти уни ўй ва ташвишлари, турмуш тарзи, хотинини ўлими, киночилар томонидан оддий деҳқондан илғор бригадиргача бўлган узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтган машҳур пахтакор сифатида суратга олиниши билан боғлиқ воқеалар тасвирга олинган.

IX боб “боқиманда”, “ҳаромтомоқ”, “чурбан”, “баран” деб ҳақоратланган хўрланган, меҳнат қилиб тухмат балосига дуч келган Деҳқонқул Акрабович Жамолиддиновнинг қамоққа олиниб, Шувелян зиндонида бошига солинган қийноқ ва чеккан азоблари ҳақида. Шунингдек, бу бобда “ўзбеклар иши” айиблови билан қамоққа олинган Ўзбекистонлик давлат раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, Шўролар даври элитаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Қаҳрамон Оналар, вилоятлардаги биринчи котиблар, генераллар, туман ва хўжалик раҳбарлари, Қашқадарё вилоятининг биринчи котиби Ғоипов каби Деҳқонқулни “йўқлайдиган йўлбошчилари” тақдири билан боғлиқ айрим ҳолатлар тафсилоти билан танишасиз. Халқ тилида “Балиқ бошидан сасийди, лекин думидан тозаланади”, деган иборанинг асоси – “балиқнинг боши” – КПСС Марказий Қўмитасида бевосита фаолият юритган Смирнов, Романов, Капитонов, Соломенцев, генерал Чурбанов СССР Бош Прокурори Рекунков,

СССР Олий суди раиси Теребилов... кабилар эмасмиди, дея, кимдан сўрашингизни билмаган саволингизга жавобни шу бобдан топасиз.

Шуни ҳам таъкидлаш жоиз-ки, айнан шу бобда жиноий иш очилиб ҳибсда сақланган тарихий шахсларга асардаги тўқима образ тақдирига боғланган ҳолда тасвирланган. Муаллиф асарга тарихий шахсларнинг ўз даврида тутган ўрни, мавқеи, жамият тарққиётидаги яхши ёки ёмон ролини тарихий ҳақиқатга мос равишда бузмасдан киритган. Ҳаммага маълум маълумотлардан хабардор ижодкор бадиий мушоҳада этган ҳолда ўқувчини улар фожиаси илдизи билан қизиқишга ундайди. Муаллиф дунёни ўзича кўради ва баҳолайди.

Тоғай Мурод ўқувчида Деҳқонқулга нисбатан ачиниш туйғусини уйғотишга интилмайди, аксинча қаҳрамони тушиб қолган ҳолат, ижтимоий муҳит у билан боғлик воқеа ва ҳодисаларни қандай бўлса, шундайлигича тасвирлаб, унинг тақдирини бутун мураккаблиги билан кенг кўламда акс эттиради. Агар халқимизнинг “Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат” мақолини моҳиятан ўзбек деҳқонига нисбатан қўлласак, бу ҳолат бизни Деҳқонқуллар тақдири нега шундай якун топганлигини сабабини қидиришга ундайди.

НАТИЖАЛАР

Асарнинг етти майда қисмдан иборат Х боби “пахта иши” билан боғлиқ жиноий иш иштирокчиси, умиди сўлдирилган, шаъни таҳқирланган Деҳқонқулнинг қамалиши билан якунига етади. Хулосада муаллиф китобхонни қарийиб бир асрдан ортиғроқ ўзбеклар ҳаётининг энг оғир пайтларини қаламга олган деган тўхтамга келишга ундайди.

Тоғай Мурод “Отамдан қолган далалар” асарида ҳаммамиз биладиган, аммо ҳеч ким гапирмайдиган ҳақиқатни тасвирлаган. “Ўзбеклар иши”, “пахта иши” иштирокчиси сифатида жиноий иш очилиб, балчиққа беланганларни ҳаммасини ўғри деб ўйладик, айримлар эса бундай ҳолат моҳиятини тушунмади. Уларни ҳимоя қилиш учун кўпларда жасорат етишмади. Ўз жонига қасд қилганларни эса “айби бор-да, бўлмаса ўз жонига қасд қилармиди”, дея, муҳокама қилдик. Чунки биз ахборотни қандай тақдим этишса, шундай қабул қиламиз.

Муаллиф “пахта фронти”да кўзимиз билан кўрган, бизни кўнглимиздан ўтган жуда кўп воқеа–ҳодисаларни қандай бўлса, шундайлигича тасвирлай олган. Чингиз Айитматов таъбири билан айтадиган бўлсак, инсонларнинг ўйлагани ижодкор асарига кўчган. Ҳақиқатан ҳам, биринчи пахта териш машинаси 1947 йилда яратилиб, тўқсондан зиёд янги моделлари синаб кўрилган бўлсада, биронтасиям қўлда терилган пахта ўрнини босишдек талабга жавоб бермади, деҳқон меҳнати енгиллашмади. Қўлда пахта териб берадиган ҳашарчигаям, мактаб ўқувчисигаям, колхозчигаям муносабат ўзгармади.

Ушбу романнинг ҳажми кичик. Шундай бўлса–да, ўқувчини ўйлантирадиган саволларга асосли жавоб бера оладиган, жуда кўплаб маълумотдан ўринли фойдаланган ёзувчи маҳоратига қойил қоласиз.

Асар Деҳқонқулнинг фожеаси билан тугайди. У Денов пахта заводи маданият саройида бўлган сайёр судда Ўзбекистон Жумҳурияти жиноят тузугининг 153-моддасига биноан... саккиз йил муддат билан озодликдан маҳрум этилади. Айбдор Жамолиддинов Деҳқонқул Акрабовичга сўнг сўз берилади. Унинг охирги илтимоси – “Далаларимни бир кўриб кетайин...” деб рухсат сўраши, умри далада ўтган пахтакорлик ҳаётини мазмунига айланган Деҳконқул учун нормал биз учун умумодатий нормада бўлмаган ҳолат.

Балки ҳамма айибни Деҳқонқулни зиммасига қўйишимиз ҳам тўғри эмасдир. Тузум, уни ўраб турган жамият, режа талаб қиладиган давлат бошқаруви, Шўролар даври мафкураси шароитида бошқача одам бўлиш ҳам мумкин эмас эди. Қолаверса, шу тузум учун қанча инсонлар жонидан кечди. Чунки у алмаштириб бўлмайдиган ишчи, меҳнаткаш деҳқон, русчасига айтганда “трудоголик”.

Меҳнат қилишга муккасидан кетган инсон тўғрисидаги қарашларни 1971 йилда психолог Уэйн Отс фанга маълум қилди. Бизда “трудоголизм”, “алкоголизм”, “норкоголизм” каби терминлар моҳияти биз учун яқингача сир энди. Эрки ўзида бўлмаган чорасиз, меҳнатга ўта берилиб кетган шахс ҳақида энди замонавий психологияда ёзилаяпти. У қайсидир маънода иқтисодий жиҳатдан мавжуд тизим мафкурасига қарам, тобе инсонларнинг типик вакили.

Рухшунослар томонидан “трудоголик” ҳақида наркотик қабул қилувчи ва спиртли ичкиликдан ўзини тўхтата олмайдиган шахс билан бир хиллиги хусусида асосли маълумотлар айтилди, бироқ бундай инсонлар алоҳида дори воситалари билан даволаниши лозимми, деган савол очиқ қолди. Лекин бир нарсани очиқ эътроф этиш керак-ки, пиёниста соғлиғини оиласини, обрўйини қандай йўқотса, меҳнаткашлик балосига гирифтор бўлган шахс фарзандлар тарбиясидаги назоратни шундай қўлдан чиқаради, соғлиғини йўқотади.

Роман яқинлари ташвиши қизиқтирмайдиган дам олишни, соғлигини ўйламайдиган ёки бажараётган оғир ишини бironта бошқа фойдали меҳнатга алмаштириш хаёлига ҳам келмайдиган, ўзини ўзи ўзгартира олмайдиган инсон табиати энди–энди ўрганила бошланган пайтда яратилди.

ХУЛОСА

Нима бўлганида ҳам, асар ўзбек адабиётини мазмунан ва шаклан янги қаҳрамон, янги ижодий метод, янги услуб билан бойишига хизмат қилиб, уни маддоҳбозлик ботқоғида чўкиб кетишидан сақлаб қолди.

Аммо “Отамдан қолган далалар”нинг айрим ўринларида сюжет элементи билан шароит мантиқининг унчалик мос эмаслиги ижодкор томонидан эътиборга олинмаган. Романнинг II бобида Деҳқонқулнинг отаси Ақраб “босмачилик ҳаракати”га алоқадар шахс сифатида қўлга олиниб, отиб ташланади. Ўзбекистон тарихида “босмачилик” 1918 йилдан 1935 йилгача давом этганлиги расман қайд этилган. Бу ҳақда Насриддин Назаров “Муҳаммад Иброҳимбек Лақай” ҳаёти ва фаолиятига оид илмий тадқиқотида етарли маълумот берган. Демак, бизда Деҳқонқулни отаси тахминан 1930 йилда вафот этган, деб тахмин қилишга тўла асос бор. Чунки у хотини билан ўзаро суҳбатда: “Кўлобда бўлдик. Иброҳимбек қўрбоши ҳазратлари қўлида машқ олдик”, деб, Шарқий Бухорода “босмачилик” нинг энг кўзга кўринган етакчиси – Иброҳимбек билан учрашганлигини айтади.

Шўро ҳукуматига қарши ўн йил жанг қилган Иброҳимбек қўрбоши Советларга қарши курашиш бесамарлигини англаб етиб, 1931 йил июнда ўзи таслим бўлади. 1931 йил 31 августда суд ҳукмига кўра отиб ўлдирилади.

Тоғай Мурод унгача яратилган ўзбек ва жаҳон романчилиги анъаналарини давом эттириб, янгича шакл ва мазмунда янгича усулда асарлар ёзди. “Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!”, деган ижодкор ўзбек халқининг тилига, адабиётига арзигулек мерос қолдириб, воқеа–ҳодисаларни идеаллаштирмай, ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича ишонарли, образлар эса жонли тасвирга олинганлиги учун унга ҳурматимиз ошади, адиб ростан ҳам ўзбекка ҳайкал қўйибди, деган хулосага келишга ундайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар, Олти томлик, 6-том, Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т. 1971. 323-324-бетлар.
2. В.Файзуллоҳ. “Абадият” Тоғай Мурод. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2018. – 702 б.
4. Тоғай Мурод. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2018. – 702 б.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 397 б.
7. Саид Аҳмад. “Тоғай Муроднинг қўшиқлари” 1994 йил.
8. Норматов У. “Беназир бадиий обида ёхуд асрлар ғами силсиласининг интиҳоси” togaymurod.uz

9. Йўлдошев Қ. “Тоғай Мурод бадиияти” togaymurod.uz
10. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. 1-жилд. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б.
11. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. 2-жилд. Адабий-тарихий жараён. – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б.
12. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1991. – 384 б.
13. Ботирова Ш.И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы*, *7*(7), 82-83.
14. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(4), 16-20.
15. Mardonov, S., Khodjamkulov, U., Botirova, S., & Shermatova, U. (2020). The Need to Educate Young People with the Spirit of Patriotism in the Context of Globalization. *Journal of Critical Reviews*, *7*(12), 166-169.
16. Botirova Sh.I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
17. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research*, *6*(8), 539-541.
18. Botirova Sh.I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(9), 12-15.
19. Botirova Sh.I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. *Теория и практика современной науки*, *1*(31), 14-16.
20. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, *5*(14), 26-28.
21. Botirova Sh.I. (2019). Poetics of artistic psychologism. *Теория и практика современной науки*, *2*(44), 31-34.
22. Botirova Sh.I. (2018). Symbolic-figurative talk and psychological relations. *«Экономика и социум», 12*(55), 114-118.
23. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(4), 16-20.
24. Botirova Sh.I. (2020). For students of philology teaching literary conditions of learning basic analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.

REFERENCES

1. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар, Олти томлик, 6-том, Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т. 1971. 323-324-бетлар.
2. В.Файзуллоҳ. “Абадият” Тоғай Мурод. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2018. – 702 б.
4. Тоғай Мурод. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2018. – 702 б.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 397 б.
7. Саид Аҳмад. “Тоғай Муроднинг қўшиқлари” 1994 йил.
8. Норматов У. “Беназир бадиий обида ёхуд асрлар ғами силсиласининг интиҳоси” togaymurod.uz
9.. Йўлдошев Қ. “Тоғай Мурод бадийяти” togaymurod.uz
10. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. 1-жилд. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б.
11.Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. 2-жилд. Адабий-тарихий жараён. – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б.
12. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1991. – 384 б.
13. Ботирова Ш.И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы*, *7*(7), 82-83.
14. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(4), 16-20.
15. Mardonov, S., Khodjamkulov, U., Botirova, S., & Shermatova, U. (2020). The Need to Educate Young People with the Spirit of Patriotism in the Context of Globalization. *Journal of Critical Reviews*, *7*(12), 166-169.
16. Botirova Sh.I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
17. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research*, *6*(8), 539-541.
18. Botirova Sh.I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(9), 12-15.
19. Botirova Sh.I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. *Теория и практика современной науки*, *1*(31), 14-16.
20. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, *5*(14), 26-28.

21. Botirova Sh.I. (2019). Poetics of artistic psychologism. *Теория и практика современной науки*, *2*(44), 31-34.
22. Botirova Sh.I. (2018). Symbolic-figurative talk and psychological relations. *«Экономика и социум», 12*(55), 114-118.
23. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(4), 16-20.
24. Botirova Sh.I. (2020). For students of philology teaching literary conditions of learning basic analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.